

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСИРГАПОВА САРВИНОЗ НАРЗУЛЛАЕВНА

**РЕЖАЛИ ГЕМОДИАЛИЗДАГИ АЁЛЛАР ҲАЁТ СИФАТИГА
ГОРМОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАЪСИР ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исиргапова Сарвиноз Нарзуллаевна

Режали гемодиализдаги аёллар ҳаёт сифатида гормонал

ўзгаришларни таъсир

хусусиятлари..... 3

Исиргапова Сарвиноз Нарзуллаевна

Особенности влияния гормональных изменений

на качество жизни женщин, принимающих программный

гемодиализ..... 28

Isirgapova Sarvinoz Narzullayevna

Features of the influence of hormonal changes

on the quality of life of women

receiving program

hemodialysis..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИСИРГАПОВА САРВИНОЗ НАРЗУЛЛАЕВНА

**РЕЖАЛИ ГЕМОДИАЛИЗДАГИ АЁЛЛАР ҲАЁТ СИФАТИГА
ГОРМОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТАЪСИР ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4. PhD/Tib3129 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори диссертацияси Тошкент Давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабиров Мақсуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилором Алимовна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жаббаров Озимбой Отахонович
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларини касбий
малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сурункали буйрак касаллиги (СБК) бутун дунё аҳолиси орасида кенг тарқалганлиги туфайли катта тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар қаторига киради [Е.И. Леванковская-2010]. Кузатувлар натижасига кўра, дунё аҳолисининг 850 миллионга яқини буйракнинг турли хил касалликлари билан хасталанган [Амбрамова Е.Э -2015]. Европа аҳолиси орасида буйрак касалликлари тарқалиши 1990 йили 19 миллионни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб, улар 33 миллионгача ошиши кузатилди [Murray CJ - 2015. Couser WG - 2011]. Хар йили жаҳонда 9-10 миллион аҳоли буйрак касалликларидан вафот этиб, тахминан 1,7 миллионида ўткир буйрак шикастланиши сабабли ўлим ҳолати кузатилади [Mehta RL - 2015]. Буйрак касалликлари ривожланиши сабаблари бирламчи яни буйракни бевосита касалланиши, иккиламчи эса бошқа касалликлар оқибатида ривожланиши тушунилади. Кўплаб бирламчи ва иккиламчи буйрак касалликлари оқибатида диффуз нефроангиосклероз ривожланиши натижасида СБК ривожланади. Дунёда сурункали буйрак касаллиги нафақат тиббий, балки ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари билан бутун аҳоли ва дунё ҳамжамиятининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда СБК муаммоси бўйича бир қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Б.Т. Даминов, 2016, 2018, 2020; Ш.С. Абдуллаев, 2017; Д.А. Эгамбердиева 2020, Б.А. Мунавваров-2020й). СБЕ ўз навбатида турли омиллар таъсирида ривожланиб, уни кучайиб бориши буйракнинг тўлиқ функционал ҳолатининг бузилиши билан касалликнинг терминал босқичига олиб келиши мумкин.

Жаҳон миқёсида бу борада олиб борилаётган изланишлардаги далиллар шуни кўрсатмоқдаки, СБК ни бешинчи босқичидаги беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш учун ўрин босувчи терапия (ЎБТ) усуллари билан бири, яъни гемодиализ сеансларини қабул қилишлари лозим ҳисобланади. Гемодиализ сеанслари бажарилмаган ҳолатларда уремик интоксикация белгилари кучайиб, турли юрак қон-томир касалликлари ривожланиши ва тизимли асоратлар кузатилади. Юрак қон-томир касалликлари кучайиб бориши билан беморларда ўлим ҳолатини ортиб боришига олиб келади. Global Burden of Disease (2015) илмий изланишида шуни кўрсатадики, бутун дунё бўйича 1,2 миллион юрак қон-томир касалликлари билан касалланган беморларнинг барчасида коптокчалар филтрация тезлигини камайиши кузатилган [Wang H - 2016]. Бу икки ҳолатда ҳам беморлар ЎБТ га мухтож эканлигини билдиради ва касалликлар оқибатида аҳоли орасида ўлим сонини ортишига олиб келади.

Юртимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати

ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 3846-сон Президент қарори билан кейинги йилларда мамлакатимизда нефрология ва гемодиализ хизматини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси.

Аёл учун климактерик давр жисмоний ва рухий травматик ҳолат ҳисобланади. Климактерик синдром (КС) – организмни умумий ёшга боғлиқ инволюцияси фонида эстроген дефицити натижасида аёлларда махсус репродуктив тизим функцияларини сўниши оқибатида ривожланадиган симптомокомплексдир. Климактерик давр менопаузал ўтиш, перименопауза, менопауза ва постменопауза даврларини ўз ичига олади [Брюхина Е.В.-2012г.]

Менопауза бошланиши билан аёл организмда эстрогенлар миқдори кескин пасайиши кузатилади, бунинг натижасида унинг умумий ҳолати ёмонлашиши, аёл организмда холестерин миқдори ошиши (қон-томир тизими касалликлари ривожланиши), организмда кальций миқдори камайиши (остеопороз ривожланиши), терида моддалар алмашинувини бузилиши (тери куруклашиб, ажинлар пайдо бўлиши), сурункали касалликларнинг авж олиши кузатилиши мумкин. Менопауза даврида куйидаги ҳолатларни яъни менопаузал метаболик синдром, генитоуринар синдром, остеопороз, остеоартритлар, юрак қон-томир касалликлари, тери атрофияси, рухий ҳолатдаги бузилишларни даволаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [Сухих Г.Т.-2015г]. Ушбу ўзгаришлар беморнинг ҳаёт сифатига таъсир қилиб, организмнинг табиий нейроэндокрин тизимига таъсири натижасида, [Сметник В.П.-2001] перименопауза даврида соматик ва психик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

ўзгаришларни ривожланишига олиб келади. Бунда хавотир, депрессия, ички сиқилиш, психологик дискомфорт каби рухий ўзгаришлар ривожланади. Бу даврда репродуктив функцияни пасайиши аёлни оилавий аҳволи, турмуш ўртоғи, болалари, яқин қариндошлари ва ишдаги ижтимоий муносабатларига салбий таъсири кўзатилади. Бундай ҳолатларда психовегетатив ўзгаришлар ва аёл ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида микроэлементлар мувозанатини тўғрилаш яъни магний терапия ва ўрин босувчи гормонал терапия қўлланилади[Спиридонова Н.В.-2012г].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда СБЕ терминал босқичидаги климактерик синдром мавжуд аёлларда организмда электролит, ҳаёт сифати ўзгаришлари устида тадқиқот изланишлар зарурияти мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режалари «Сурункали буйрак касаллигида функционал-метаболик бузилишларнинг клиник-патогенетик жихатлари ва авж олишининг терапиясини муқобиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2024 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади: Режали гемодиализ қабул қилаётган аёлларда гормонал ўзгаришлар, электролит мувозанати бузилишларини ўрганиш билан бирга ҳаёт сифати ва комплекс даво натижаларини яхшилаш.

Тадқиқот вазифалари:

- Режали гемодиализ қабул қилаётган климактерик даврдаги аёлларда гормонал ўзгаришларни текшириш ва климактерик синдром даражасини Купперман сўровномаси орқали аниқлаш;
- Режали гемодиализ қабул қилаётган гормонал ўзгаришлар кузатилган аёлларда клиник-биокимёвий ўзгаришлар ва қондаги микроэлементларни бузилишини ўрганиш;
- Режали гемодиализ қабул қилаётган гормонал ўзгариш аниқланган аёлларни ҳаёт сифати ва рухий ҳолатини баҳолаш;
- Режали гемодиализ қабул қилаётган гормонал ўзгаришлар аниқланган аёлларда кальций-фосфор мувозанатини ва суяк зичлиги даражасини баҳолаш;
- Олинган натижалар асосида мазкур беморларда ҳаёт сифати ва комплекс даво натижаларини яхшилашга эришиладиган даво чораларини муқобиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида 2021-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий амалий тиббиёт марказида, Сурхондарё ва Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасида режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги 120 нафар беморлар, шунингдек, 20 нафар кўнгилли соғлом шахслар назорат гуруҳи сифатида олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида климактерик синдром кузатилган режали гемодиализ олаётган беморларнинг клиник, биокимёвий, гормонал тахлили, ҳамда инструментал комплекс текширув натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда климактерик синдромни баҳолашда Куппермон сўровномаси, беморлар ҳаёт сифатини баҳолаш учун SF-36 сўровномаси, шу билан бирга суяклар структур ҳолатини баҳолаш учун УТ денситометрия, қондаги электролитлар (калий, магний, кальций, фосфор) баҳолаш, организмни гормонал ҳолатини баҳолаш учун (эстероген, ЛГ, ФСГ, паратиреоид гормон, витамин Д) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Биринчи маротаба режали гемодиализ олаётган аёлларда гормонал ўзгаришларни кечиш хусусиятлари ўрганилиб, уларни фитоэстерогенлар билан коррекция қилиш;

режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда фитоэстероген дори-воситасини қўллаган ҳолда қондаги электролит мувозанатини яхшилаш мумкинлиги исботланган;

режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда фитоэстероген дори-воситасини қўллаганда организмдаги гормонал муҳитни яхшиланиши ҳисобига беморлар ҳаёт сифатини ҳамда гемодиализ муолажаси самарадорлигини ижобий томонга ўзгариши очиб берилган;

режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда фитоэстероген дори-воситасини қўллаганда кальций-фосфор мувозанатини яхшиланиши ва қонда паратиреоид гормон миқдори камайиши ҳисобига суяклар минерал таркиби яхшиланиши исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда ўрин босувчи фитоэстероген дори-воситасини қондаги электролит ва гормонал ўзгаришларга таъсир самарадорлиги билан таққосланиб ўрганилган;

режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда ўрин босувчи фитоэстероген дори-воситасини беморлар ҳаёт сифатига таъсир самарадорлиги ўрганилган ва исботланган;

климактерик ёшдаги режали гемодиализ олаётган аёлларда ўрин босувчи фитоэстероген дори-воситасини қондаги кальций-фосфор мувозанати яхшилаши орқали суяклар минерал таркибини ижобий томонга ўзгариши ўрганилган, ҳамда олинган ижобий натижалар тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимий, сўровнома, инструментал ва статистик усуллар асосида климактерик синдром билан оғриган режали гемодиализ олаётган беморларда фитоэстероген қўллаш билан даволашни мукамаллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотимизнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тақдим этаётган илмий изланишлар натижаларининг илмий аҳамияти режали гемодиализ олаётган аёлларда гормонал ўзгаришларни кечиш хусусиятлари ўрганилиб,

уларни фитоэстерогенлар билан коррекция қилишда қондаги электролит мувозанатини яхшилаш мумкинлиги, уларда гормонал муҳитни яхшиланиши ҳисобига беморлар ҳаёт сифатини ҳамда гемодиализ муолажаси самарадорлигини ижобий томонга ўзгариши, кальций-фосфор мувозанатини яхшиланиши ва қонда паратиреоид гормон миқдори камайиши ҳисобига суяклар минерал таркиби яхшиланиши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши, режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда ўрин босувчи фитоэстероген дори-воситасини қондаги электролит ва гормонал ўзгаришларга, беморлар ҳаёт сифатига ҳамда кальций-фосфор мувозанатига ижобий таъсири орқали суяклар минерал таркибини яхшиланиши, касаллик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган нохуш асоратларни олдини олиш ҳамда даволашни муқобиллаштириш билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Климактерик синдром кузатилган режали гемодиализ олаётган беморларни даволашда фитоэстероген дори-воситасини даволашга қўшиш орқали даво самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

климактерик синдром кузатилган режали гемодиализ олаётган беморларни даволашда гормонал бузилишларни яхшилашда фитоэстероген билан бирга гормонал терапия самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган «Режали гемодиализ олаётган климактерик даврдаги беморларни ҳаёт сифатидаги ўзгаришларни баҳолаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (ТДСИнинг 2023 йил 9 августдаги 04-р/57 254/АФ маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома климактерик синдром кузатилган беморларни комплекс даволашда ўрин босувчи даво сифатида фитоэстероген дори воситаларидан фойдаланиш орқали беморда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

климактерик синдромни гемодиализ олаётган беморларда касаллик кечишига таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «СБК V босқичи: касаллик кечишида гормонал ўзгаришларни ўрни» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (ТДСИнинг 2023 йил 9 августдаги 04-р/56 254-АФ маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома климактерик синдромни гемодиализ олаётган беморларда касаллик кечишига салбий таъсирлари ва уни олдини олиш чора-тадбирларини яхшилаш имконини берган;

Климактерик синдром кузатилган режали гемодиализ олаётган беморларда касаллик клиник-патогенетик механизмларни ўрганиш билан бирга ўрин босувчи фитоэстероген даво самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази ва Сурхондарё ҳамда Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси гемодиализ бўлимларида амалиётга тадбиқ этилган (ТДСИнинг 2023 йил 19 октябрдаги 04-з/25 сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши климактерик

синдромни гемодиализ олаётган беморлар ҳаёт сифатига, таянч аъзолар минерал таркибини ёмонлашмаслиги, беморларда юрак қон-томир асоратларини келиб чиқиш хавфини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали буйрак касаллигида режали гемодиализ олаётган климактерик даврдаги аёлларда касалликнинг кечишига таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти ва ҳаёт сифатидаги ўзгаришлар замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг шарҳи, сурункали буйрак касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар, патогенези ва даволашнинг замонавий усуллари ва даволашда фойдаланиладиган дори-воситаларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда эстрогенларнинг миқдори ва уларда ўрин босувчи гормонал воситалари билан даволашни муқобиллаштириш тўғрисидаги илмий ишлар маълумотлари тақдим этилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Режали гемодиализ олаётган климактерик ёшдаги аёлларда проспектив таҳлил ҳамда тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида объектлар ва тадқиқот усуллари, шунингдек қўлланиладиган статистик усуллар тавсифланган. Тадқиқот учун Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказида режали гемодиализ олаётган нодиабетик этиологияли климактерик ёшдаги аёллар назоратга олинган. Тадқиқотга 120 нафар беморлар жалб этилган. Барча кузатувга олинган беморларни 43-55 ёш

оралиғидаги аёллар ташкил этади. Беморларнинг ўртача ёши 48,7 ни ташкил этди. Назорат гуруҳи сифатида 20 нафар СБК кузатилмаган климактерик ёшдаги аёллар жалб этилди. Назорат гуруҳидаги беморларнинг ўртача ёши $47,5 \pm 4,65$ ташкил этди.

Тадқиқотга жалб этилган беморлар шартли икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳдаги 61 нафар беморга, анъанавий даво билан биргаликда ўринбосувчи гормонал терапия сифатида фитоэстероген Монопоуз эссел 1 кап х 2 маҳал кунига тавсия этилди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $48,0 \pm 2,65$ ёшни ташкил этган. Иккинчи гуруҳда эса 59 нафар бемор олинган бўлиб, бу беморларга фақатгина анъанавий даво давом этилди. Иккинчи гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $48,5 \pm 2,4$ ёшга тенг бўлди. Иккала гуруҳдаги беморларга ҳам анъанавий даво билан бирга магний препарати сифатида Биолектра магнезиум фортиссиум, кальций ва витамин Д3 дори-воситалари тавсия этилди.

Барча гуруҳдаги беморларда даводан олдин, давонинг ўттизинчи ва тўқсонинчи кунлари лаборатор ва клиник биокимёвий текширувлар (умумий қон тахлили, АЛТ, АСТ, билирубин, фосфор, мочевино, креатинин, умумий оксил, магний, кальций, калий, витамин Д, умумий холестерин, албумин, паратгормон, ФСТ, ЛГ, Эстрадиол) ўтказилди, Купперман модификацияланган сўровномасини ўтказиш орқали климактерик синдромнинг оғирлик даражалари аниқланди, SF-36 сўровномаси орқали эса беморларда ҳаёт сифати баҳоланди. Инструментал текширувлардан билан ва болдир суяклари ультратовуш денситометрия текшируви ўтказилди. Олинган натижаларга асосланиб ўзгаришлар тахлил қилинди.

Анаъанавий даво сифатида беморлар ҳафтада 3 маротаба ўртача 4 соатдан режали гемодиализ муолажаларини қабул қилишди. Гемодиализ сеанслари ВВраун (Германия) компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «Dialog» ҳамда «Fresenius Medical Care 4008 S и 4008 C» (Германия) гемодиализ аппаратларида «Shadono Weigao Blood Purification Products Co.Ltd.» компаниясига тегишли «Low Flux Series Hallon Fiber Dialyzers» диализаторидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. Тадқиқотимизга жалб этилган беморларда гемодиализ муолажаси вақти ўртача 4 соат бўлиб, режали гемодиализ қабул қилиш вақти 3 йилдан 8 йилгача давом этган.

Тадқиқот усуллари.

- Қондаги гемоглобин миқдорини бирлаштирилган гемоглобин циянид усули, қизил қон таначаларин сонини ягона Горяев усули, Моравиц усулида эритроцитлар чўкиш тезлиги, қонда мочевино миқдори калориметрик энзиматик усули, калориметрик биурет усули билан умумий оксил миқдори, қондаги креатинин концентрациясини аниқлаш Яффе усули ёрдамида бажарилди.

Кальций концентрацияси колориметрик фотометрик усул билан, фосфор миқдори эса молибдат аммоний ёрдамида калориметрик усулда, паратгормонни зардобдаги концентрацияси ИФА ёрдамида, лютеинловчи гормон, фолликуластимуловчи гормон ва эстрадиол каттиқ фазали иммунофермент анализи ёрдамида қон зардобидан аниқлаб олинди.

25-гидроксивитамин Д (витамин Д) қон плазмасида иммунофермент анализ ёрдамида аниқланди.

Суяклар структур хусусиятларини баҳолаш:

Ултратовушли денситометрия билан ёки болдир суяк тўқимасини сканерлашда сусайтириш коэффициентини ва ултратовуш узатиш тезлигини ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар беморларнинг жинси ва ёшини ҳисобга олган ҳолда Т ва Z-балларини автоматик равишда ўлчанади. Қоидага кўра, сканерлаш 15 сониядан ортиқ давом этмади. Тўлиқ текширув 1 дақиқадан кўпроқ вақтни олди. Текширув натижалари диаграмма шаклида компьютер мониторида кўрилди ва нусха олинди.

Климактерик синдромни ва унинг даражаларини баҳолаш:

Беморларда Купперман модификацияланган сўровномаси ўтказиш орқали жисмоний, ижтимоий ва психологик саволлар асосида климактерик синдромнинг оғирлик даражалари аниқланди.

Ҳаёт сифатини баҳолаш:

Беморларда ҳаёт сифатини баҳолашда SF-36 сўровномасидан фойдаланилди. Ушбу сўровнома орқали даврдан олдин ва даволаш сўрағиди беморларда жисмоний фаоллик, жисмоний ҳолат туфайли ролли фаолияти, оғриқ интенсивлиги, саломатликнинг умумий ҳолати, ҳаётнинг фаоллиги, ижтимоий хусусиятлар, эмоционал ҳолат туфайли ролнинг фаолияти, рухий саломатлик, жисмоний фаровонлик, рухий фаровонлик каби саволларга жавоблар олиниб унга баллар берилди ва олинган натижалар асосида ҳаёт сифати баҳоланди.

Диссертациянинг «**Режали гемодиализ олаётган аёлларда умумклиник лаборатор тахлилларни даволаш давомида ўзгариш натижалари**» деб номланган учинчи бобида касалликнинг клиник белгилари режали гемодиализдаги аёлларда климактерик синдром турли оғирлик даражаларидаги беморларда ўтказилган клиник-функционал текширув натижалари тасвирланган.

Умумий қон тахлилидаги ўзгаришлар динамикасини даврдан олдин, давонинг 30 чи кунини ва давонинг 90 чи кунлари олинган тахлил натижалар асосида олиб борилди(**1-жадвал**).

Ушбу жадвалдаги натижалар асосида шуни айтиш мумкинки, режали гемодиализ олаётган климактерик синдром кузатилган беморларда умумий қон тахлили кўрсаткичлари динамикада ўрганилганда ўринбосувчи терапия қабул қилган гуруҳ беморларида ишончли даражада ўзгариши кузатилган бўлса, фақатгина стандарт даво тавсия этилган 2-гуруҳдаги беморларда даволаш натижасида барча кўрсаткичларда ишончсиз даражада фарқлар кузатилди.

1-жадвал

Беморларнинг 90 кунлик даволаниш давомида олинган умумий қон тахлили натижалар динамикаси

| Кўрсаткичлар | Назорат гуруҳи (n-20) | 1-гуруҳ (n-61) | | 2-гуруҳ (n-59) | |
|--------------|-----------------------|------------------|----------------------|------------------|----------------------|
| | | Даволаниш бошида | Даводан кейин 90 кун | Даволаниш бошида | Даводан кейин 90 кун |

| | | | | | |
|------------|------------------|-------------------------|-------------------------|-------------------------|-----------|
| Гемоглобин | 126,7±1,8 г/л | 94,7±1,45 ^{^^} | 102,0±1,7 ^{**} | 93,6±2,4 ^{^^} | 95,3±2,67 |
| Эритроцит | 4,1±0,19 г/л | 3,13±0,13 ^{^^} | 3,87±0,26 [*] | 3,0±0,156 ^{^^} | 3,18±0,12 |
| Лейкоцит | 7,1±0,12 | 6,26±0,57 | 6,85±0,54 | 6,31±0,72 | 5,9±0,96 |
| ЭЧТ | 10,2±0,57 | 24,9±1,65 ^{^^} | 20,6±1,95 [*] | 25,4±1,62 ^{^^} | 22,7±1,48 |

Изох: ^ - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - p<0,05, ^^ - p<0,01, ^^^ - p<0,001) *- фарқлар даволаш бошидаги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- p<0,05, **- p<0,01, ***- p<0,001);

2-жадвалда олиб борилган илмий изланишда кузатилган биокимёвий таҳлил натижаларини ҳавола этамиз.

2-жадвал

Беморларнинг 90 кунлик даволаниш давомида олинган биокимёвий таҳлил натижалари динамикаси

| Кўрсаткичлар | Назорат гуруҳи (n-20) | 1-гуруҳ (n-61) | | 2-гуруҳ (n-59) | |
|------------------|-----------------------|--------------------------|---------------------------|--------------------------|-------------------------|
| | | Даволаниш бошида | Давонинг 90 куни | Даволаниш бошида | Давонинг 90 куни |
| АлТ | 23,4±1,08 ммоль/л | 29,7±1,78 [^] | 24,2±1,38 [*] | 27,8±1,84 [^] | 26,5±1,47 |
| Холестерин | 3,6±0,33 ммоль/л | 4,76±0,42 [^] | 3,9±0,29 [*] | 4,63±0,3 [^] | 4,4±0,4 |
| Креатинин | 85,7±5,91 мкмоль/л | 804,6±30,2 ^{^^} | 605,9±25,2 ^{***} | 778,3±28,3 ^{^^} | 695,4±26,3 [*] |
| Сийдик кислотаси | 3,5±0,67 мг/дц | 5,23±0,35 [^] | 4,95±0,38 | 5,8±0,39 [^] | 5,3±0,41 |
| Альбумин | 40,9±0,68 г/л | 35,0±0,99 ^{^^} | 39,5±1,02 ^{**} | 34,8±0,87 ^{^^} | 35,6±0,9 |
| Умумий оксил | 65,6±1,28 г/л | 59,7±1,79 [^] | 64,5±1,66 [*] | 57,3±1,74 [^] | 60,3±1,46 |

Изох: ^ - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- p<0,05, **- p<0,01, ***- p<0,001); *- фарқлар даволаш бошидаги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - p<0,05, ^^ - p<0,01, ^^^ - p<0,001)

Тадқиқот натижасида 1-гуруҳдаги умумклиник ва биокимёвий лаборатор кўрсаткичлар ишончли даражада яхшиланишига ва бу орқали келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил асоратларни олдини олишга эришишилди. Стандарт даво олган 2-гуруҳда эса фақатгина қондаги креатинин миқдори ишончли (p<0,05) даражада ўзгариши кузатилди.


Купперман сўровнома асосида климактерик синдром мавжуд беморларда климактерик синдром даражалари аниқлаб олинди. Енгил даражадаги климактерик синдром кузатилган беморлар сони 61 тани, ўрта оғир даражадаги климактерик синдром кузатилган беморлар сони 39 тани ва оғир даражадаги климактерик синдром кузатилган бемор сони эса 20 тани ташкил этди.

Иккала гуруҳдаги беморларда даволаш давомида қондаги гормонлар миқдорида солиштириб ўрганилди (**1-диаграмма**). 1-диаграммада берилган маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 90 кунлик даволаш натижасида 1-гуруҳда даволаниш натижасида, беморлар қонида Эстрадиол миқдори 73%

ортиши кузатилди. 2-гурухда ҳам қондаги эстрадиол миқдори 45% кўтарилиши кузатилди, аммо 1-гурух билан солиштирилганда ишончли даражада фарқни сездик. Эстрадиол миқдorigа тескари пропорционал равишда даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан қондаги Паратгормон 1-гурухда 24,56%га, 2-гурухимизда эса 13,8%га, Лютеинловчи гормон 1-гурухимизда 34,2%га пасайган бўлса, 2-гурухимизда ушбу кўрсаткич 17,6%га ишончсиз даражада пасайди. ФСГ иккала гуруҳимизда ҳам пасайиши кузатилди. Ушбу кўрсаткич ҳам бошқа гормонларга мос равишда биринчи гуруҳимизда, 2-гурухдаги кўрсаткичлардан яхшироқ пасайишига эришилди.

1-диаграмма

Енгил даражадаги климактерик синдром



Бундан кўриниб турибдики, ўрин босувчи гормонал терапия тавсия этилган 1-гурухда барча назоратга олинган гормонлар миқдори даволаш натижасида ишончли даражада ижобий томонга ўзгаришига эришилди.


Қондаги электролитлар ва витамин Д миқдори ҳам солиштириб ўрганилди. Текширувларда фақатгина қондаги калий миқдори иккала гуруҳда ишончсиз даражада ($P > 0,05$) фарқ қилди. Қолган қондаги магний, витамин Д миқдори биринчи гуруҳда иккинчи гуруҳдаги беморларда олинган натижаларга нисбатан сезиларли даражада ($P < 0,05$) ижобий томонга ўзгарганини кўришимиз мумкин. Тадқиқотга жалб этилган ўрта оғир даражадаги 39 та климактерик синдром кузатилган беморлар лаборатор тахлиллари кузатилганда 1-гурухда беморларда қуйидаги натижаларни олдик. Ўрта оғирликдаги климактерик синдром кузатилган беморларда даволаш давомида қондаги магний, паратиреоид гормон, витамин Д, эстрадиол, ФСГ, ЛГ гормон даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан ($P < 0,001$) ишончли даражада ортиши кузатилган бўлса, қондаги калий миқдори назорат гуруҳига нисбатан ишончсиз даражада ($P > 0,05$) ўзгариши кузатилди.

Ушбу гуруҳимиздаги беморларда 30 кунлик даволашдан кейин қондаги магний, кальций, витамин Д, эстрадиол ишончли даражада ($p < 0,05$) ортган бўлса, паратиреоид гормон ишончли даражада пасайди.

Ўрта оғирликдаги климактерик синдроми мавжуд иккала гуруҳдаги беморларда даволаш давомида қондаги гормонлар миқдори ўрганилганда гуруҳларимиз ўртасида қуйидаги фарқларни кузатдик (**3-диаграмма**).

Ўрта оғир даражадаги климактерик синдром

3-диаграмма



Ўрта оғирликдаги климактерик синдром кузатилган ўрин босувчи терапия тавсия этилган 1-гуруҳдаги беморларда барча гормон кўрсаткичлари ишончли даражада ўзгарган бўлса, 2-гуруҳда беморларда эса барча гормонлар ишончсиз даражада ($P > 0,05$) ўзгаргани аниқланди.

Шу билан бирга иккала гуруҳимизда даволаш давомида қондаги электролитлар ва витамин Д миқдори солиштириб ўрганилди. Текширув мобайнида қондаги магний ва витамин Д миқдорий кўрсаткичлари даволаш давомида 1-гуруҳдаги беморлар кўрсаткичларида 2-гуруҳдаги беморлар кўрсаткичларига нисбатан фарқлар кузатилди. Фақатгина қондаги калий миқдори иккала гуруҳда даволаш давомида ишончсиз даражада ($P > 0,05$) фарқ қилди. Қондаги магний, витамин Д миқдори биринчи гуруҳда иккинчи гуруҳдаги беморларда олинган натижаларга нисбатан сезиларди даражада ($P < 0,05$) ижобий томонга ўзгарганини кўришимиз мумкин.


Оғир даражадаги климактерик синдроми мавжуд иккала гуруҳдаги беморларда даволаш давомида қондаги гормонлар миқдорида солиштириб ўрганилганда 1-гуруҳдаги кўрсаткичлар 2-гуруҳдаги кўрсаткичлардан кескин фарқ қилди (**5-диаграмма**). Тадқиқот давомида оғир климактерик синдром кузатилган ўрин босувчи терапия тавсия этилган 1-гуруҳдаги беморларда қондаги эстеродиол миқдорини сақлаб туриш имкониятига эришилди, аммо иккинчи ўрин босувчи гормонал терапия тавсия этилган гуруҳда қондаги эстрадиол миқдори пасайишда давом этиши касалликни кучайишига салбий таъсир кўрсатди.

Қолган ФСГ, ЛГ ва паратиреоид гормон миқдорларини ижобий томонга ўзгариши кузатилган бўлса, 2-гуруҳдаги беморларда ушбу гормонларда даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан ишончсиз даражада фарқ кузатилди.

Қондаги гормонал ўзгаришлардаги фарқлар билан бирга қондаги электролитлар кўрсаткичларида ҳам тафовутлар кузатилди. Климактерик синдром оғир кечишига қарамасдан ўрин босувчи гормонал терапия қабул қилган 1-гурухдаги беморларда даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан даволашнинг 90 кун қондаги магний 35% га, кальций 16.5%, витамин Д 41,4%, 2-гурухда эса магний 13%, кальций 10%, витамин Д 18,75% ортиши кузатилди.

Оғир даражадаги климактерик синдром

5-диаграмма



Лекин иккала гурухда қондаги калий миқдорида ўзгаришлар кузатилмади. Қондаги калий миқдори эса 1-гурухдаги беморларда олинган кўрсаткичлар 2-гурухдаги беморларда олинган натижалардан ишончсиз даражада фарқ қилди.

Тадқиқотимиз давомида даволашдан олдин беморларда қондаги кальций, фосфор ва паратиреоид гормон миқдорлари назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли ($p < 0,001$) даражада салбий томонга ўзгарганини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткичлар климактерик синдром оғирлашган сари салбий томонган ортиб боришини гувоҳи бўлдик (3-жадвал).

3-жадвал

Климактерик синдром оғирлик даражасига назорат гуруҳига нисбатан кўрсаткичлар ўзгариш динамикаси

| Номи | Назорат гуруҳи | Енгил климактерик синдром | Ўрта оғир климактерик синдром | Оғир климактерик синдром |
|--------------------------|----------------|---------------------------|-------------------------------|--------------------------|
| Кальций ммол/л | 2,03 ± 0,09 | 1,45 ± 0,053*** | 1,46 ± 0,047*** | 1,125 ± 0,063*** |
| Паратиреоид гормон пг/мл | 12,0 ± 2,13 | 622,5 ± 18,82*** | 832,0 ± 14,1*** | 888,3 ± 19,0*** |
| Фосфор ммол/л | 1,1 ± 0,12 | 1,66 ± 0,073*** | 1,7 ± 0,045*** | 1,74 ± 0,073*** |

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- $p < 0,05$, **- $p < 0,01$, ***- $p < 0,001$);

Нозаратга олган климактерик синдром енгил даражадаги беморларимизда даволаш давомида қуйидаги натижаларни кузатдик (**4-жадвал**). Унга кўра, беморларимизда қондаги кальций миқдори давонинг 30 куни $1,72 \pm 0,021$ ($p < 0,01$), давонинг 90 чи куни эса $1,95 \pm 0,043$ ($p < 0,001$) га, қондаги паратиреоид гормон давонинг 30 чи куни $543,8 \pm 16,07$ ($p < 0,01$), давонинг 90 чи куни эса $469,0 \pm 14,86$ ($p < 0,001$) ишончли даражада ижобий томонга ўзгарганини кўришимиз мумкин. Қондаги фосфор эса юқоридаги натижалардан фарқли равишда давонинг 30 чи куни $1,51 \pm 0,044$ ($p < 0,05$) ўзгарган бўлса, даволаш давомида даво самараси ҳисобига давонинг 90 чи куни $1,37 \pm 0,065$ ($p < 0,01$) гача ишончли даражада ижобий томонган камайганини кўришимиз мумкин.

4-жадвал

Енгил даражадаги климактерик синдром


| Номи | Назорат гуруҳи | 1-гуруҳ (n=31) | | |
|---------------------------|----------------------------|--|------------------------|-------------------------|
| | | Даводан олдин | Давони 30 куни | Давонинг 90 кун |
| Кальций | $2,03 \pm 0,09$ ммоль/л | $1,5 \pm 0,065^{\wedge\wedge}$ | $1,72 \pm 0,021^{**}$ | $1,95 \pm 0,043^{***}$ |
| Фосфор | $1.1 \pm 0,12$ ммоль/л | $1,67 \pm 0,066^{\wedge\wedge\wedge}$ | $1,51 \pm 0,044^*$ | $1,37 \pm 0,065^{**}$ |
| Паратиреоид гормон | $12,0 \pm 2,13$ пг/мл | $629,7 \pm 18,57^{\wedge\wedge\wedge}$ | $543,8 \pm 16,07^{**}$ | $469,0 \pm 14,86^{***}$ |

Изоҳ: *- фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\wedge - $p < 0,05$, $\wedge\wedge$ - $p < 0,01$, $\wedge\wedge\wedge$ - $p < 0,001$) - фарқлар даволаш бошидаги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- $p < 0,05$, **- $p < 0,01$, ***- $p < 0,001$);

1-гуруҳ беморларда даводан олдин суяклар минерал ва структур хусусиятларини текшириш мақсадида ультратовуш денситометрия текшируви ўтказилганда 14 та (45%) беморда остеопения, 10 та (32%) беморда остеопороз ва 7 та (23%) беморда нормал кўрсаткичлар аниқланди. Даволаш давомида суякларда остеопения кузатилган беморлар сони 15 тагча (48%) ортишига (остеопороз беморлар яхшиланиши ҳисобига остеопенияга аниқланганлиги ҳисобига), остеопороз 5 тагача (16%) камайишига ва нормал кўрсаткичлар эса 11 тагача (37%) ортишига эришилди. Олинган натижаларни диаграмма кўринишида ўрганиб чиқдик (**7-диаграмма**).

Стандарт ва ўрин босувчи даво тавсия этилган енгил климактерик синдром кузатилган беморларда ультратовуш денситометрия натижалари

7-диаграмма



та ил даражадаги климактерик синдром кузатилган ва фақатгина стандарт даво тавсия этилган 2-гурухдаги беморларимизда ҳам даволаш давомида ижобий томонга ўзгаришларга эришдик (5-жадвал).

5-жадвал

Енгил даражадаги климактерик синдром

| Номи | Назорат гурухи | 2-ГУРУХ (n=30) | | |
|--------------------|-----------------------|----------------------------|-----------------|-----------------|
| | | Даводан олдин | Давонинг 30 кун | Давонинг 90 кун |
| Кальций | 2,03 ±0,09 ммоль/л | 1,4±0,041 ^{^^^} | 1,5±0,035* | 1,62±0,039*** |
| Фосфор | 1.1±0,12 ммоль/л | 1,66±0,081 ^{^^^} | 1,59±0,09 | 1,42±0,08* |
| Паратиреоид гормон | 12,0±2,13 пг/мл | 615,4±19,07 ^{^^^} | 556,5±17,06* | 530,1±20,06** |


Изоҳ: * - фарқлар назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\wedge - $p < 0,05$, $\wedge\wedge$ - $p < 0,01$, $\wedge\wedge\wedge$ - $p < 0,001$) - фарқлар даволаш бошидаги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- $p < 0,05$, **- $p < 0,01$, ***- $p < 0,001$).

2-гурухдаги беморларимизда даводан олдинги кўрсаткичга нисбатан давоинг 30 чи кун қондаги кальций ва паратиреоид гормон $p < 0,05$, давоинг 90 чи кун эса кальций миқдори $p < 0,01$, паратиреоид гормон эса $p < 0,001$ даражада ижобий томонга ўзгарган бўлса, қондаги фосфор миқдори давоинг 30 чи кун даводан олдинги кўрсаткичга нисбатан ишонсиз $p > 0,05$ даражада, давоинг 90 чи кунга келиб эса ишончли $p < 0,05$ даражада фарқ қилди.

Ушбу гурухимиздаги беморларда даводан олдин ультратовуш денситометрия текшируви ўтказилганда 15 та (50%) беморда остеопения, 9 та (30%) беморда остеопороз ва 6 та (20%) беморда нормал кўрсаткичлар аниқланди. 90 кунлик даволаш давомида суяклар минерал таркиби яхшиланиши ҳисобига қайта УТ денситометрия текширувида остеопенияни 14 тагача (47%), остеопороз 5 тагача (16%) камайишига ва нормал кўрсаткичлар эса 11 тагача (37%) ортишига эришилди (8-диаграмма).

Стандарт даво тавсия этилган енгил климактерик синдром кузатилган беморларда денситометрия натижалари

8-диаграмма



Тадқиқот давомида 1-гурухдаги беморларни кузатганимизда, юқоридаги кўрсаткичларни салбий томонга янада кучлироқ ўзгарганини гувоҳи бўлдик. Шунини таъкидлаш лозимки, даволаш давомида ушбу кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгаришига эришилди (**6-жадвал**). Беморларимизда қонда кальций миқдори давонинг 30 куни $1,6 \pm 0,035$ ммоль/лга, даводан олдин кўрсаткичга нисбатан $p < 0,05$, давонинг 90 куни эса $1,65 \pm 0,043$ ммоль/литргача ($p < 0,01$) яхшиланиши кузатилди.

6-жадвал

Ўрта оғир даражадаги климактерик синдром

| Номи | Назорат гуруҳи | 1-гурух (n=20) | | |
|--------------------|---------------------------|-----------------------|---------------------|-----------------------|
| | | Даводан олдин | Давонинг 30 куни | Давонинг 90 куни |
| Кальций | $2,03 \pm 0,09$ ммол/л | $1,48 \pm 0,04^{^^}$ | $1,6 \pm 0,035^*$ | $1,65 \pm 0,043^{**}$ |
| Фосфор | $1,1 \pm 0,12$ ммол/л | $1,7 \pm 0,04^{^^}$ | $1,58 \pm 0,05$ | $1,54 \pm 0,06^*$ |
| Паратиреоид гормон | $12,0 \pm 2,13$ пг/мл | $833,4 \pm 14,7^{^^}$ | $780,5 \pm 16,06^*$ | $730,0 \pm 15,6^{**}$ |

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ($^{\wedge}$ - $p < 0,05$, $^{^^}$ - $p < 0,01$, $^{^^^}$ - $p < 0,001$) - фарқлар даволаш бошидаги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$);


Қондаги паратиреоид гормон ҳам давонинг 30 куни $780,5 \pm 16,06$ пг/мл ($p < 0,05$), 90 куни эса $730,0 \pm 15,6$ пг/мл ($p < 0,01$) пасайиши кузатилган бўлса ҳам назорат гуруҳидаги кўрсаткичга нисбатан ($p < 0,001$) фарқ сақланиб қолди. Қондаги фосфор миқдори давонинг 30 чи куни даводан олдинги кўрсаткичга нисбатан ишончсиз даражада $1,58 \pm 0,05$ ммоль/л ($p > 0,05$) ўзгарган бўлсада, давонинг 90 чи кунига келиб $1,54 \pm 0,06$ ммол/литргача ($p < 0,05$) камайиши кузатилди.

Ўрта оғир даражада кечган климактерик синдром кузатилган беморларимизда 1-гурухдаги беморларда даводан олдин ультратовуш денситометрия текширувида 10 та (50%) беморда остеопения, 7 та (35%) беморда остеопороз ва 3 та (15%) беморда нормал кўрсаткичлар аниқланди. Даволаш давомида суякларда остеопения кузатилган, беморлар сони 8 тагача

(40%), остеопороз 5 тагача (25%) камайишига ва нормал кўрсаткичлар эса 7 тагача (35%) ортишига эришилди (9-диаграмма).

Стандарт ва ўрин босувчи даво тавсия этилган ўрта оғир климактерик синдром кузатилган беморларда ультратовуш денситометрия натижалари

9-диаграмма



2-гурухдаги яъни фақатгина стандарт даво тавсия этилган беморларимизда қондаги кальций, фосфор ва паратиреоид гормон миқдорий кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар кузатилди (7-жадвал).

Ўрта оғир даражадаги климактерик синдром

7-жадвал

| Номи | Назорат гуруҳи | 2-гурух (n=19) | | |
